

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти хузуридаги Давлат  
бошқаруви академияси Илмий  
кенгаши раиси Қосимов Р.С.**

---

**2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_**

**ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ МАГИСТРАТУРАСИГА  
КИРУВЧИЛАР УЧУН МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ БЎЙИЧА  
ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕСТ СИНОВЛАРИ**

**ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2017**

Мазкур тест синовлари бўйича магистратурага кириш дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Илмий кенгашининг 2017 йил \_\_\_\_ \_\_\_\_\_ \_\_\_\_-сонли мажлис баённомаси билан маъқулланган.

## КИРИШ

Мантикий фикрлаш - тўғри фикр юритиш қонуниятлари ва шакллари асосида юқори билим ва салоҳиятни оширишга хизмат қилади. Ушбу тарихий ва шу билан бир вақтда навқирон интеллектуал салоҳиятни белгиловчи фан йўналишининг назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш мураккаб: тахминан 2500 йил аввал пайдо бўлган, Аристотель логикаси ханузгача амалий имкониятлари ҳозирда ва истиқболда ҳам долзарб ва зарурлигини Евклид геометрияси каби йўқотмайди.

Мантикий фикрлаш кундалик ҳаётимизнинг ажралмас бўғини ҳисобланади. Мантикий фикрлашни ўрганиш инсонга, хусусан, бўлажак раҳбар кадрга ўзининг назарий билимларини мантикий ички сезгирлик ва ҳиссиёт билан бирга чуқур англаган ҳолда янада мустаҳкамлаш ва бойитишга хизмат қилади.

Мантикий фикрлаш барча бўғин ва даражалардаги раҳбар ходимларнинг онгли фаолиятини намоён этувчи муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мантикий фикрлаш ҳар бир шахсдан талаб этилади, акс ҳолда турли хил мантикий хатолар йўл қўйилади, назарий қарашларни, шунингдек кундалик фикрларни чалғитади, ўйлаш, мулоқот қилиш, бир-бирини тушуниш имконининг пасайиши оқибатида жиддий муомала зиддиятларини вужудга келтириши мумкин. Мантикий фикрлаш - раҳбар ходимга фикрлашда аниқлик ва қатъийликни, мантикий кетма-кетликда аниқ ва равон, тушунарли тарзда фикрини баён этиш, фикр-мулоҳазаларини асослашга тўртки бериши натижасида интеллектуал салоҳиятининг ошишига ёрдам беради.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 29-бандида белгиланган Давлат бошқаруви академияси фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўйилган вазифадан келиб чиқиб, бўлажак раҳбар ходимнинг таҳлилий фикрлаш ва стратегик режалаштириш, турли масалаларнинг мақбул ечимини топиш, ташаббускорлик ва етакчилик кўникмаларига эгаллиги даражасини аниқлашда мантикий фикрлаш муҳим аҳамият касб этади.

## УМУМИЙ ҚИСМ

### Мантиқий фикрлаш тестидан фойдаланишнинг зарурлиги

**Мантиқий фикрлаш** – шахснинг билиш фаолияти жараёни, воқеликнинг (борлиқнинг) умумлашган инъикосидир. Мантиқий фикрлашдан шахснинг фикрлаш жараёнини ўрганиш, мантиқий тушуниш ва тизимлаштиришда фойдаланади. Бу ўз навбатида исботлаш, мулоҳаза қилишни ўрганиш орқали шахс ҳақида мавжуд нуқтаи назари юзасидан асосли хулоса олиш имконини беради:

– мантиқий фикрлаш таълим салоҳиятини аниқлашнинг умумқабул қилинган мезони ҳисобланиб, фикр юритиш, режалаштириш, муаммонинг ечимини топиш, мавҳум ва мураккаб ғояларни тушуниш ва уни идрок этишни қамраб олади;

– мантиқий фикрлашда назарий кўникмалар ва ақлий қобилият аниқланмайди;

– мантиқий фикрлаш тестлари бу стандарт баҳолаш ҳисобланади. Ушбу турдаги тестлар ягона кўрсатмалар мажмуини қамраб олади ва бир хил даражадаги раҳбар ходимларни танлашнинг мақсадга мувофиқлиги борасида маълумотлар тақдим этади;

Қоидага кўра, мантиқий фикрлаш тестлари амал қилишининг тўртта умумий жиҳатларини тадқиқ қилади:

Номланиши	Мазмуни
Оғзаки (вербал) тушуниш	Таҳлил учун сўзларни тушуниш ва фойдаланиш қобилияти, тил билан боғлиқ муаммоларни тушуниш ва унинг ечими
Ёзма (новербал) мулоҳаза	Ахборотни таҳлил қилиш имконияти ва визуал, макон ёки амалий ёндашув асосида муаммонинг ечиш
Хотира қобилияти	Қисқа давр мобайнида маълумотларни сақлаш ва уни қўллаш имконияти
Ишлов бериш тезлиги	Ақлий чаққонлик, диққат ва эътиборни жамлай олиш даражаси

**Афзалликлари.** Мантиқий фикрлаш тести шахснинг фикрлаши, муаммога тизимли ёндашуви, тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш аниқлаш воситаси сифатида ўзига хос афзалликларга ва камчиликларга эга. Мазкур турдаги тестларнинг афзалликлари ёки камчиликларини фарқлашда тестлардан кутилаётган натижаларнинг мазмуни ва моҳиятини ҳисобга олиш муҳимдир.

Мантиқий фикрлаш тести афзаллиги шундаки, ушбу тест имтиҳон қабул қилувчига бўлажак раҳбар кадрнинг кучли ва кучсиз жиҳатларини аниқлаган ҳолда келгусида ўқитиш йўналишларини белгилаб олиш имконини беради. Мантиқий фикрлаш тести интеллектуал салоҳиятни аниқлаш имконини беради. Шунингдек, бўлажак раҳбар кадрнинг мантиқий фикрлаш даражасини баҳолаш келгусида уни мукамал раҳбар кадр қилиб тайёрлаш йўналишларини аниқлаб беради.

Умуман олганда, мантиқий фикрлаш тест саволларига берилган жавоблар бўйича маълум кўникмаларни аниқлаш орқали истиқболда ўзлаштирилиши зарур жиҳатларни аниқлаб олишга хизмат қилади.

Фикрлашнинг қуйидаги турлари мавжуд: сўз-мантиқий, кўрғазмали-образли, кўрғазмали-ҳаракат. Шунингдек, назарий ва амалий фикрлаш, назарий ва эмпирик, таҳлилий ва интуитив, ҳаққонийлик ва мавҳумийлик (воқеликдан ички кечинмаларга ўтиш билан боғлиқ), самарали ва самарасиз, ихтиёрий ва ихтиёрсиз. Қуйидаги фикрлашнинг айрим турларини келтириб ўтамиз:

– **Кўрғазмали-ҳаракат фикрлаш** – муаммонинг ечими ҳолатнинг ҳақиқий, физик шаклланиши ёрдамида амалга оширилади.

– **Кўрғазмали-образли фикрлаш** – ҳолатни тасаввур қилиш ва ундаги ўзгаришлар билан боғлиқ фикрлашни англатади.

– **Сўз-мантиқий фикрлаш** – тушунчалардан фойдаланиб мантиқий тузилмалар асосида фикрлаш англатади.

– **Назарий фикрлаш** – ечими кутилаётган ҳолат, муаммони ажратиб олиш, қарама-қаршиликлардан келиб чиқиб таҳлил қилишни назарда тутати.

– **Амалий фикрлаш** – назарий фикрлар билан қиёсланади. Мазкур фикрлаш мақсадни аниқлаш, режаларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

– **Ижодий фикрлаш** – субъектив янги маҳсулотни яратишда шахснинг ижодий ёндашувини назарда тутати. Мазкур янгидан ташкил этиш (яратиш)га доир фикрлашга мотивация, мақсадлар, баҳолаш хосдир.

– **Назарий ва амалий фикрлаш** – ушбу турдаги фикрлаш ечиладиган муаммо тури ва ундан келиб чиқадиган таркибий ва динамик хусусиятлардан келиб чиқиб фарқланади. Назарий фикрлаш бу қонун ва қоидаларни билиш. Амалий фикрлаш назарий фикрлашдан фарқли бўлиб, борлиқни физик қайта ташкил қилишга тайёрлаш: мақсадни белгилаш, режаларни ишлаб чиқиш, лойиҳалар ва чизмалар. Бироқ, амалий фикрлашнинг муҳим жиҳати шундаки, қатъий вақт тақчиллиги доирасида амал қилишидир.

– **Интуитив ва таҳлилий фикрлаш** – одатда учта белгиси бўйича ажратилади: вақтинчалик (жараённинг вақт каби тез ўтиши), таркибий

(босқичларга ажратиш) ва б. Таҳлилий фикрлаш вақтлар бўйича тақсимланган, босқичлар аниқ кўрсатиб қўйилган, фикрчан шахслар учун тақдим этилади. Интуитив фикрлаш тезкорлик, аниқ босқичларга ажратилмаган, минимал даражада фикрлашни тақозо этади.

Шунингдек ҳаққоний фикрлаш асосан шахснинг ташқи дунёга йўналтирилган бўлиб, мантиқий қонунлар билан тартибга солинади. Аутистик фикрлаш шахснинг ички дунёсига қаратилган бўлиб, инсон хоҳишини амалга ошириш билан боғлиқ. Ихтиёрий ва ихтиёрсиз фикрлашни ажратиш муҳим саналиб, фикрлаш фаолияти жараёнида олинган янгиликка асосланади.

## АСОСИЙ ҚИСМ

### I. Мантиқий тушуниш

Мантиқий тушуниш шахснинг юз бераётган ҳодиса ёки ҳолатларни мантиқан англаши ҳамда уни мустақил фикрлаш орқали хаёлида мантиқан давом эттира олиш қобилиятини намоёниш этиш учун зарур ҳисобланади.

Мантиқий тушунишни акс эттирадиган тест синовлари сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

1. Шахснинг иш фаолиятида дуч келадиган терминлардан фойдаланиб, қолдириб кетилган сўзларни жойига қўйиб давом эттиринг:

РАҲБАР ИШ ФАОЛИЯТИДА (ҚАРОР) ҚАБУЛ ҚИЛДИ;

КОРХОНАНИНГ ЮРИСТ МАСТЛАҲАТЧИСИ ИШ ФАОЛИЯТИДА ШАРТНОМАГА (ХУЛОСА) ТАҚДИМ ЭТДИ;

ҲАЙДОВЧИ ИШ ФАОЛИЯТИДА (.....) ТОРТИЛДИ

- А) молиявий жаримага
- Б) маъмурий жаримага
- С) узоқ масофага
- Д) дам олишга

2. Қуйида келтирилган ва қолдириб кетилган рақамларни ўрнига қўйинг:

3	7	13	21	?
5	20	51	104	?

- А) 31; 185.
- Б) 36; 165.
- С) 25; 136.
- Д) 42; 208.

## II. Интеллектуал салоҳият

Интеллектуал салоҳиятни аниқлаш бўйича тест саволлари турли хилдаги мантиқий боғлиқликда бўлган ҳодиса ёки ҳолатларни (рақамлар, фигуралар) жойлаштириш комбинацияларидан фойдаланиб, шахсинг умумий ақлий ривожланиш даражасига баҳо беришга хизмат қилади.

Мантиқий тушунишни ақс эттирадиган тест синовлари сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

1. Кетма-кетлик қонуниятидан келиб чиқиб, қолдириб кетилган рақамларни жойлаштинг:

- 1) 1; 4; 9; 16; -; -; 49; 64; 81;
- 2) 16; 17; 15; 18; 14; 19; -; -; -; -;
- 3) 1; 3; 6; 8; 16; 18; -; -; -; -; -; -;


А) 1) (29;36), 2) (20;13;12;21), 3) (20;22;32;34;46;48)

Б) 1) (25;36), 2) (13;20;12;21), 3) (36;38;76;78;156;158)

В) 1) (20;30), 2) (11;22;12;21), 3) (22;24;40;42;54;56)

Г) 1) (36;25), 2) (12;21;13;20), 3) (36;38;56;58;76;78)

2. Расмда келтирилган ва қолдириб кетилган рақамни жойлаштинг:



- А) 9.
- Б) 3.
- С) 48.
- Д) 54.

### Ш. Бошқарув қобилияти


Бошқарув қобилиятини аниқлаш бўйича тест саволлари вазиятли таҳлил асосида юзага келган ҳодиса ёки ҳолатларни баҳолаш орқали (кўрсаткичлар таҳлили, ҳуқуқий, иқтисодий ёки бошқа терминларнинг мазмунидан келиб чиқиб), шахснинг бошқарувчилик қобилиятинига баҳо беришга хизмат қилади.

Бошқарув қобилиятини аниқлаш бўйича тест саволлари сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

1. “Илғор” фирмаси маҳсулотларни буюрма асосида улгуржи савдо орқали мол етказиб бериш билан шуғулланади. Фирма маҳсулотларни етказиб беришда “Жайхун” ва “Сайхун” транспорт корхоналари хизматидан фойдаланади. “Жайхун” транспорт корхонаси маҳсулотларни манзилга 10 соатда 120,0 минг сўмга етказиб беради, “Сайхун” корхонаси маҳсулотларни манзилга 12 соатда 100,0 минг сўмга етказиб беради. “Илғор” фирмаси етказиб бериш харажатларини ўз зиммасига олади. Сиз ташкилот раҳбари сифатида “Илғор” фирмасидан маҳсулот сотиб олишда қайси транспорт корхонаси (“Жайхун” ёки “Сайхун”) етказиб берган маҳсулотни харид қиласиз:

- А) “Сайхун” транспорт корхонаси етказиб берган маҳсулотни, чунки арзон
- Б) “Жайхун” транспорт корхонаси етказиб берган маҳсулотни, чунки тезроқ етказиб беради
- В) Қайси транспорт корхонаси етказиб берганлигининг аҳамияти йўқ
- Г) “Жайхун” транспорт корхонаси етказиб берган маҳсулотни, чунки сифатли ва қиммат

2. Қуйида қолдириб кетилган рақамни ўрнига қўйинг:



- А) 4.
- Б) 5.
- С) 20.
- Д) 6.



#### IV. Аниқ ва тез қарорлар қабул қилиш

Шахснинг зудлик билан аниқ қарорлар қабул қилиш қобилиятига ишлаб чиқилган муаммоли вазиятда жавоб вариантлари комбинацияси таклиф этилади. Бунда энг яхши жавоб вариантыни топиш орқали аниқ ва тез қарорлар қабул қилиш қобилиятини аниқлаш имконияти яратилади.


Шахснинг аниқ ва тез қарорлар қабул қилиш даражасини аниқлаш бўйича тест саволлари сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

1. Қуйидаги товарларнинг қайсиси ўрнини босувчи товарлар рўйхатида ортиқча?

<b>Автомобиль</b>	<b>Пойафзал боғи</b>	<b>Кўйлак</b>	<b>1</b>
<b>Мотоцикл</b>	<b>Кроссовка</b>	<b>Мураббо</b>	<b>2</b>
<b>Велосипед</b>	<b>Кеда</b>	<b>Пиджак</b>	<b>3</b>
<b>Пояфзал</b>	<b>Футболка</b>	<b>Костюм</b>	<b>4</b>
<b>Лимонад</b>	<b>Писта ёғи</b>	<b>Морс</b>	<b>5</b>
<b>Сариёғ</b>	<b>Маргарин</b>	<b>Пахта ёғи</b>	<b>6</b>
<b>Буханка</b>	<b>Патир нон</b>	<b>Булочка</b>	<b>7</b>
<b>Жемпер</b>	<b>Компот</b>	<b>Шакар</b>	<b>8</b>
<b>Юбка</b>	<b>Аёллар шими</b>	<b>Асал</b>	<b>9</b>
<b>А</b>	<b>Б</b>	<b>В</b>	

- А) Мотоцикл
- Б) Пойафзал боғи
- В) Буханка
- Г) Мураббо

2. Қуйида келтирилган фигуралардан ортиқчасини топинг:



- А) 1.
- Б) 2.
- С) 3.
- Д) 4.

## V. Турли вазиятларга ижодий ёндашув


Шахснинг ижодий фикрлаш қобилиятига баҳо бериш мақсадида турли хилдаги вазиятли ҳолатлар ва ечимлар таклиф этилади. Бунда энг мақбул ечимни топиш орқали турли вазиятларда шахснинг ижодий ёндашиш қобилиятини аниқлаш имконияти яратилади.

Шахснинг турли вазиятларга ижодий ёндашувини баҳолаш бўйича тест саволлари сифатида қуйидаги мисолни келтириш мумкин:

1. Тошкентда Бухорогача бўлган масофани босиб ўтиш учун поездда 8 соат кетади, самолётда 3 соат (аэропортда рўйхатдан ўтиб, тушгандан кейин багажни кутиб етиб бориш билан бирга) сарфланади. Поезд билетининг нархи 100 бирлик, самолётдаги – 250 бирлик. Саёҳатга уч киши чиқмоқда: Р.Мардиев, Т.Валиев ва М.Солиев. Уларнинг ҳар бир соатлик иш ҳақи Р.Мардиевда – 20 бирлик/ соатига, Т.Валиевда– 25, М.Солиевда – 50. Қайси транспорт билан бориш арзон (бўш қолган вақтларда ҳар бир соатлик иш ҳақларини ҳисобга олган ҳолда)?

- А) Р.Мардиевга поездда бориш арзон, Т.Валиев ва М.Солиевга самолётда бориш қулай, чунки арзон  
Б) М.Солиевга ва Т.Валиевга поездда бориш арзон, Р.Мардиевга самолётда бориш қулай, чунки арзон  
В) Р.Мардиевга ва Т.Валиевга поездда бориш арзон, М.Солиевга самолётда бориш қулай, чунки арзон  
Г) Р.Мардиев, Т.Валиев ва М.Солиевларга поездда бориш қулай, чунки арзон

2. Қуйида рақамланган олтига фигурадан тўғрисиани танланг:



- А) 1.  
Б) 2.  
С) 3.  
Д) 4.

## АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Б. Тўраев. Логика бўйича масала ва машқлар. Т.: Тафаккур нашриёти – 2008. 46 б.
2. F. Bahromov, S. Burxonov, Q.Xudoyorov. Ming bir boshqotirma. Т.: Sharq nashriyoti – 2016. 224 б.
3. Y. I. Perelman. Qiziqarli matematika. A.T. Xo'jaxonov tarjiması. Т.: Sharq nashriyoti – 2014. 176 б.
4. Айзенк Г. Новые IQ тесты. Перевод К.Савельева. – М.: Эксмо, 2003 – 192 с.
5. Д.А.Гусев. Логика. Учебное пособие. Издательство «Прометей», 2015.
6. Лучшие психологические тесты для профотбора и профориентации / Отв. ред. А. Ф.Кудряшов. Петрозаводск, Изд-во «Петроком», 1992.
7. Graduate Management Admission Test (GMAT) // Bull. of Inform. and Registration Form. Princeton, 1993—1994.
8. <http://maintest.ru/tests>
9. <http://onlinetestpad.com/ru>
10. <https://4brain.ru/logika>
11. <http://testoteka.narod.ru>